XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 20 - avgust VI-69-226-14-0-K/22 Toshkent shahar hokimligi

Юнусобод ва Янгиҳаёт туманларидаги айрим маҳаллаларни қайта номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг 2022 йил 6 апрелдаги 9-сонли ва 15 апрелдаги 10-сонли йиғилиш баённлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Юнусобод ва Янгиҳаёт тумани ҳокимликларининг туманлардаги айрим маҳаллаларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Юнусобод ва Янгиҳаёт туманларидаги айрим маҳаллаларни қайта номлаш бўйича маҳаллалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Махмудҳўжаев), Юнусобод тумани ҳокимлиги (Б.Абдувалиев), Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги (Х.Иногамов):

қайта номланаётган маҳаллаларни тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин;

қайта номланаётган маҳаллалар юзасидан киритилган ўзгартириш бўйича маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Тошкент шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Махмудҳўжаев), Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев), Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси (Л.Мирсоатов), Юнусобод тумани ҳокимлиги (Б.Абдувалиев), Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги (Х.Иногамов) мазкур қарорга асосан тегишли ҳужжатларга ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритилсин ҳамда бу борада зарур чоралар кўрилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимининг ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ўринбосари котибияти мудири (Б.Абдурахимов) мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва www.toshkent.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси О.Жиянбоев ва Тошкент шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ф.Махмудҳўжаев зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Xalq deputatlari Toshkent shahar
Kengashining
2022 yil 20 avgustdagi
VI-69-226-14-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Юнусобод ва Янгиҳаёт туманларидаги айрим маҳаллаларни қайта номлаш бўйича маҳаллалар рўйхати

Т/р	**Маҳалланинг амалдаги номи**	**Маҳалланинг янги номи**	**Изоҳ**
Юнусобод тумани			Маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман ҳокимликларининг таклифлари ва Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссияси хулосалари асосида
1.	Янгиҳаёт	Барҳаёт	
Янгиҳаёт тумани			
1.	Гулзор	Янги Гулзор	
2.	Ибрат	Машъал	
3.	Иқбол	Зарбдор	